

“О‘ЗВЕК ТИЛШУНОСЛИГИ ВА АДАБИЙОТШУНОСЛИГИ ТАРАQQIYOTI, XALQARO HAMKORLIK MASALALAR”

mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya

СИРОЖИДДИН САЙИД ИЖОДИДА БОБУР СИЙМОСИ

Ойсулув Искандарова,

*Ажиниёз номидаги НДПИ Ўзбек тили ва
адабиёти йўналиши талабаси*

Аннотация. Мазкур мақолада Сирожиддин Сайиднинг “Юз оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур” достонидаги айрим шеърлар таҳлилга тортиласди ва шу асосда Бобур шахсияти, ижоди ўзига хос шаклларда талқин қилинади.

Калит сўзлар: достон, “Бобурнома”, газал, рубоий, тўртлик.

Аннотация. В данной статье анализируются некоторые стихотворения из эпоса Сироджиддина Сайида «Юз о, Заҳириддин Муҳаммад Бобур», и на этой основе по-своему трактуются личность и творчество Бабура.

Ключевые слова: эпос, “Бобурнома”, газель, рубай, четверостишие.

Abstract. In this article, some poems from Sirojiddin Sayyid's epic “Yuz oh, Zahiriddin Muhammad Babur” are analyzed, and on this basis Babur's personality and creativity are interpreted in their own ways.

Key words: epic, “Boburnoma”, ghazal, rubai, quatrain.

Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Сайид қаламига мансуб “Юз оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур” достони ўзгача услуби, тарих ҳақиқатларидан сўзловчи жилвалари ҳамда шоҳ ва шоирнинг, ички – руҳий кечинмалари, ўй ва изтиробларини очиб берганлиги боис ҳам китобхонлар кўнглидан жой олади. Достон ижодкорнинг Заҳириддин Муҳаммад Бобур “Бобурнома”си, ғазал ва рубоийларини мутолаа ҳамда чуқур таҳлил қилишлари натижасининг мевасидир.

“Мусофир бўлмагунча, киши мусулмон бўлмас”. Ватанда туриб уни тасаввур қилиш, ҳис етиш, унинг тимсолини мукаммал кўра билиш, туйиш даргумон. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ватандан олисда, мусофирликда унинг тимсолини мукаммал яхлит тасаввур етди, кўрди, унинг меҳрини, қадрини теран ҳис етиб, идрок қилди. Ватан, диёр, ёр ҳажрида, соғинч дардида қўз ёш тўккан бўлса керакки, бу ҳолат унинг шеърларида яққол намоён бўлган. Хусусан, қуйидаги парчага эътибор қаратадиган бўлсак, уни Сирожиддин Сайид Бобурнинг “Толе йўқи”рубоийси таъсирида яратган:

*Юртдан кетиб, қаро менинг юзим бўлди,
Гурбат менинг кечам ҳам кундузум бўлди.
Менга туздинг дард-у ҳасрат тузумини,
Ё Раб, айтгил, бу қандайин тузум бўлди?*

“Қалам ва қилич” тўртлигига шоир Бобур ҳам салтанат ишлари, ҳам адабиёт билан шугулланганлиги, аммо, “қилич”ни ҳам, “қалам”ни яхши олиб борганлиги хусусида фикр юритади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, давлат

“O‘ZBEK TILSHUNOSLIGI VA ADABIYOTSHUNOSLIGI TARAQQIYOTI, XALQARO HAMKORLIK MASALALARI”

mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya

бошқаруvida Бобур ва унинг отаси Умаршайх Мирзо учун адолатҳамиша юқори ўринда турган. Амир Темурнинг бир сиёсати бор едики, қайси томонга юриш қилса, ўша ернинг чегара яқинидаги одамлари билан яхши муомалада бўлган. Бобур ҳам салтанат ишларида айнан шу сиёсатдан фойдаланган. Умуман олганда, Бобур Амир Темурга ўхшаган яхши сиёсатчи бўлган, Темурийлар давлатининг енг яхши анъаналарини Ҳиндистонга олиб борган. Бироқ Бобур ўз юртида, ўз ватанида Самарқанд пойтахти бўлган марказлашган давлат тузишни орзу қилган. Аммо ғурбат яъни, ватандан узоқда яшаш, мусофирилик, ғариблик уни хаста қиласи, Ватандан жудоликка кўнича олмайди. Бобурнинг кўнгил кечинмаларини яққол кўра олган Сирожиддин Сайид:

*Мен қаламни оҳимга пайваста қилдим,
Гурбат мени, мен ғурбатни хаста қилдим.
Не гамларки, фалак менга раво кўрди –
Қиличум ҳам қамчинимга даста қилдим.*

Бобур – умр бўйи ватан соғинчи билан яшаган, кўп ранж-у аламлар дучор бўлиб, буларнинг барчасига бардош берганлиги унинг “Вақойе” яъни “Бобурнома” тарихий-мемуар асарида яққол акс еттирганлигини шоир қуидаги мисраларда тасвирлайди:

*Бу олам аро ажаб аламлар кўрдум.
Оlam елидин турфа ситамлар кўрдум.
Ҳар ким бу “Вақойе” ни ўқур, билгайким,
Не ранж-у, не меҳнат-у, не ғамлар кўрдум.*

“Юз оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур” достонида еса Сирожиддин Сайид “Бобурнома”нинг янги моҳиятини кашф етган:

*Шоҳ шоирнинг оҳномаси – “Бобурнома”,
Ҳарб-у зарб, жсанггоҳномаси – “Бобурнома”
Фирдавсийнинг “Шоҳнома”си бордир агар,
Туркийларнинг шоҳномаси – “Бобурнома”*

Сирожиддин Сайид Бобур қалб кечинмаларини яққол англай олганлигини ушбу байтлар ҳам ифодалаб турибди, ҳаётнинг мушкулотлари, паст-баландларини фақатгина уни чин қалдан ҳис ета олган инсонгина уни қаламга олиши мумкин.

*Осон кечмагайдир ҳаргиз подиоҳлик,
Юз минг одам аро бор юз минг козиб.
Бир иш замираida юз минг огоҳлик,
Юз минг мулоҳаза вожиб ва лозим.*

“Юз минг мулоҳаза” шеъридан олинган ушбу парча нақадар пурмаъно. Бобур 1494-йил отаси Умаршайх Мирзо тасофан ҳалок бўлади ва унинг ўрнига

“O‘ZBEK TILSHUNOSLIGI VA ADABIYOTSHUNOSLIGI TARAQQIYOTI, XALQARO HAMKORLIK MASALALARI”

mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya

12 ёшли таҳт вориси бўлади ва ёш ва тажрибасиз бўлишига қарамай, давлат юз минг мулоҳаза билан иш кўради ва бошқаларга ҳам маслаҳат беради.

Сирожиддин Саййиднинг “Бобурнома” воқеаларига ўзига хос назираларини бастакорнинг шеър танлаб, мусиқа басталаганига ҳам ўхшатиш мумкин. Чунки шоир шеър бағишилаган у ёки бу воқеани “Бобурнома”дан ўқиган китобхон унчалик аҳамият бермаслиги ёки унда бу даражада кучли таассурот қолдирмаслиги мумкин еди. Достондаги назиралар, тўртликлар ва шеърлар Бобур сиймосини яна-да ёрқин тасаввур қилишга имкон яратади.